



Куйида эр-хотин орасида содир бўлиши мумкин бўлган, аммо Исломда харом килинган жинсий алоқа кўринишлари хақида сўз юритилади.

### **Хайз ва нифос кўриш вақтидаги жинсий алоқа**

Хотин киши хайз кўраётган пайтда эр унга жинсий яқинлик қилиши Исломда харом саналган амаллардандир.

Аллох таоло айтади: «Сендан хайз хақида сўрарлар. Сен: «У кўнгилсиз нарсадир. Хайз чоғида аёллардан четда бўлинг. Уларга пок бўлмагунларича яқинлашманглар. Агар пок

бўлсалар, уларга Аллох амр килган жойдан келинг. Албатта, Аллох тавба килувчиларни севади ва покланувчиларни севади», деб айт» (Бакара сураси, 222-оят).

Аёл хайз кўраётган вақтида унга яқинлик килиш ушбу оятга биноан харом килингандир. Расулulloх соллalloху алайхи васаллам ҳам хайз вақтида аёлларга яқинлик килишдан кайтарганлар.

Маймуна онамиздан ривоят килинган хадисда бундай дейилади: «Расулulloх соллalloху алайхи васаллам ўз аёлларини хайз ҳолатида бўлганларида кийимлари устидан кучоклар эдилар» (Бухорий ривояти).

Ушбу хадисдан хайз ҳолатида бўлган аёлларга жинсий яқинлик килиб бўлмаслиги, аммо уларни кучоклаш, ўпиш мумкинлиги келиб чиқади.

Нифос кўраётган аёлга ҳам жинсий яқинлик килиш харом килинган амаллардандир.

Нифос – аёл киши бола туггач узоги 40 кун кўрадиган кондир. Нифоснинг энг оз муддати белгиланмаган.

Хайз вақтида жинсий яқинликни ман килинганлиги ҳақидаги оят ва хадислар нифосга ҳам тааллуқлидир.

### **Рўзада огиз ёпик бўлган вақтда ва ҳаж вақтида жинсий яқинлик килиш**

Рамазон рўзасини тутиб огиз ёпик ҳолатида жинсий алока килиш харомдир. Рамазон вақтида огиз очилгандан кейин жинсий яқинлик жоиз бўлади. Рамазонда бўлмай, шунчаки нафл рўза тутилган вақтда ҳам жинсий яқинлик жоиз эмас. Нафл рўза тутмокчи бўлган аёл рўза тутиш учун эрининг олдидан ўтиб кўйиши лозим.

Рамазон рўзасида жинсий яқинлик килиш мумкин эмаслиги, рўза бузилиши ва каффорат бериши шарт экани Имом Бухорий ривоят килган хадисларида келган. Ушбу хадисда бир аъробий Набий соллalloху алайхи васалламнинг ҳузурларига келиб, Рамазон рўзаси вақтида аёли билан кўшилгани ҳақида хабар берганда Расулulloх соллalloху алайхи васаллам унга каффорат бериши лозим эканлигини айтганлар.

Ҳаж ойларида ҳажга эҳром боғлаганларга ҳам жинсий яқинлик килиш жоиз эмас.

Жинсий яқинлик килиб кўйсалар унинг вақтига кўра ҳажлари бузилади ёки каффорат беришлари лозим бўлади.

Улуг Аллох айтади: «Ҳаж маълум ойлардир. Кимки уларда ўзига ҳажни фарз килса, ҳажда шахвоний нарсалар, фиск ва жанжал йўқдир. Нима яхшилиқ килсангиз, Аллох уни билади. Озука олинг, энг яхши озука такводир. Менга такво килинг, эй ақл эгалари!» (Бакара сураси, 197-оят).

Ўзига ҳажни фарз килиш – ҳажни ният килиб, эҳромга кириш деганидир. Демак, ундай одамга шахвоний ишлар, яъни жинсий яқинлик ва унинг ҳақидаги гап-сўзларни сўзлаш мумкин бўлмайди.

Афзал Аброр таржимаси

